

ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га газ беришни тўхтатади:

- «Истеъмолчи» шартномада келишилган ҳажмдан ортиқ газ олса;
- газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ ускуналари улаб олинган бўлса;
- муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
- газ олиш қоидалари қўпол равишда бузилганида;
- буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш харажатлари «Истеъмолчи» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул қилиш, ҳамда унинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод қилинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, кейинги ойнанинг 11 кунидан бошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,4 фоизи ҳисобида жарима (пеня) тўлайди. Бироқ, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол қилувчи қурилмаларни ўзбошимча равишда, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ қувватининг 2 баравар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол қилувчи қурилмалари газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

6.5. Агарда, газ ҳисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол қилувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аниқланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вакилининг охири марта келган пайтидан бошлаб 2 баравар ҳисобланган газ ҳақини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий негизи тўғрисида» ги Қонунига биноан жавоб берадилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.